

THE CONCEPT OF LIFE: USING THEORETICAL PHILOSOPHICAL ANALYSIS

Н. Ўринбоев

Candidate of Philosophical Sciences

ANNOTATION

The concept of a way of life, a change of views over time, on the example of many peoples, refers to the recognition of spiritual satisfaction, spiritual stability in a person.

Keywords: Lifestyle, healthy lifestyle, quality of life, lifestyle, standard of living, decent lifestyle, mystical philosophy, values of Jadidism

Аннотация

Турмуш тарзи тушунчаси, вақтлар ўтиши натижасида қарашлар ўзгариб бораётганлиги бир қанча халқлар мисолида, инсондаги маънавий қониқиш, руҳий барқарорликни эътироф қилишлар ҳақида сўз юритилади.

Аннотация

Понятие образа жизни, смена взглядов с течением времени, на примере многих народов, относится к признанию духовной удовлетворенности, духовной устойчивости в человеке.

Таянч сўз ва иборалар:

Турмуш тарзи, соғлом турмуш тарзи, турмуш сифати, турмуш стили, турмуш даражаси, муносиб турмуш, тасаввуф фалсафаси, жадиализм қадриятлари.

Ключевые слова: Образ жизни, здоровый образ жизни, качество жизни, образ жизни, уровень жизни, достойный образ жизни, мистическая философия, ценности джадиализма.

INTRODUCTION

Илмий тадқиқот соҳасида тарихий ҳамда замонавий нуқтаи назардан ўз анъаналарига эга бўлган муаммолардан бири турмуш тарзи ҳисобланади. «Турмуш тарзи» истилоҳи ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ижтимоий-фалсафий фанларда кенг ишлатила бошланди, у шўро даврида мафкуравий курашнинг ўзига хос майдонига, турмуш соҳасида совет тузумининг афзаллигини исботлашнинг сиёсий ғояларидан бирига айланди.

Бу муаммога оид ниҳоятда кўп ва ранг-баранг тадқиқотлар яратилган бўлсада, уларда коммунистик ғоявийлик, мафкуравийлик, синфийлик, интернационалликнинг сиёсий тамойиллари устуворлик қилган. Шу боис бу масала ўзининг ҳолисона, объектив таҳлилини топа олмаганлиги ўз-ўзидан маълум. Айни вақтда уларнинг барчасида ижобий фикрлар мавжуд бўлмаган, дейиш ҳам тўғри булмайди, албатта.

Турмуш тарзи шаклланишининг тарихий манбаларига эътибор берадиган бўлсак, улар даставвал Шарқ мамлакатлари ижтимоий-фалсафий, ахлохий-эстетик фикрида ўз

ифодасини топтаганлигига гувоҳ бўламиз. Бу жиҳатдан қадимги ҳинд ведаларида соғлом турмуш кечиришнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилганлигини кўриш мумкин. Бундай тамойиллардан бири инсон руҳиятининг барқарорлиги соҳасидаги ютуқлар ҳисобланади. Инсоннинг том маънодаги маънавий-руҳий эркинлиги бундай барқарорликка эришишнинг биринчи ва энг зарурий шarti саналган. Упанишадларда шахсий баркамоллик этикасига алоҳида урғу берилган, «жамият барқарорлашиб борадиган ҳодиса бўлганлиги сабабли, - деб ёзади шу муносабат билан Ж.Неру, - инсоннинг аҳли хамиша шахсий баркамоллик тўғрисида фикр юритиб келган». Дарҳақиқат, инсондаги маънавий қониқиш, руҳий барқарорликни эътироф қилиш, шу асосда унинг ички дунёсига мурожаат этиш қадимги ҳинд фалсафасининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланган.

«Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш долзарб вазифамиз қаторига киради».

Турмуш тарзини белгилашда инсоннинг жисмоний ва руҳий бирлиги масаласи шарқ фалсафасида алоҳида ўрин тутади. Қадимги хитойлик мутафаккирлар соғлом турмуш тўғрисида сўз юритганда, руҳий номутаносиблик инсон танасида юз берадиган носозликка сабаб бўлади, деб ҳисоблаганлар. Шу маънода улар жиззакилик, маюслик, ғам-ғусса, хавотирланиш, ташвишланиш каби беш дардчил кайфият ҳақидаги ғояни илгари сурганлар. Уларнинг фикрича, бундай кайфиятларга берилиш инсоннинг нафақат айрим органлари, шу билан бирга, бутун танасини, қолаверса, ҳаёт тарзини ишдан чиқариши мумкин. Шунинг учун инсон яшар экан, барча носозликларнинг сабаби жохиллик, организмдаги қувватни жўш урдирадиган, турмуш тарзини мазмунан бойитадиган манба эса шодлик ва фароғат эканлигини англаб етиши керак. Турмуш тарзининг соғлом негизлари ҳақидаги тасаввурлар антик замон юнон фалсафасида кўплаб учрайди. Гиппократ «Соғлом турмуш тарзи ҳақида» номли рисоласида бу феноменни тиббий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, уни асосан, инсон жисмоний саломатлигига, шу билан бирга муҳитнинг ташқи омиллари-иқлим, тупроқ, сув, кишиларнинг ҳаёт йўсини, мамлакат қонунлари ва бошқаларнинг одамга, унда жисмоний ва руҳий хусусиятларнинг таъсирига боғлаб тушунтиради. Ф.Асмуснинг таъкидлашича, Демокрит турмуш тарзи ҳақида фикр юритганда, биринчи галда, моддий эҳтиёжларни қондириш ҳақидаги ғояни илгари суради, уларни жамият тараққиётида рўй берадиган барча ўзгаришларнинг туб сабабчиси деб ҳисоблайди, жамият ривожланишига олиб келадиган ўзгаришларнинг моддий сабаблари эса манфаатни англаб етиш билан уйғун ҳолда рўй беради, деган хулосага келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, турмуш тарзини соғлом асосга қуриш масаласида антик замоннинг ўзига хос анъаналари мавжуд бўлган. Келгуси авлоднинг интеллектуал тарбияси ва камол топишида, барқарор турмуш тарзини амалга оширишда унинг соғломлиги, саломатлиги асосий мезон қилиб олинган, жисмонан камол топмаган ўспирин хатто олий маълумот олишга лойиқ эмас, деб эълон қилинган.

Тарихдан қадимги Юнонистонда тана мақоми давлат қонунлари доирасида жисмоний тарбия талабларига мувофиқ қатъий муҳокама қилинганлиги маълум. Юнонлар учун жисмоний баркамолликка интилиш шахс камолотининг энг асосий йўналишларидан бири

ҳисобланган, жамиятда инсон танаси қанчалик гўзал бўлса, унинг ўзи ҳам шунчалик комиллашиб боради, деган ғоя устиворлик қилган. Олимп худолари ҳам ўз саломатлигини мустаҳкамлаш, танасини гўзал лаштириш ва бақувват бўлишга интилган одамларга ҳаминша ҳомийлик қилиб келган. Бақувват инсон (атлет)нинг келишган танасини идеаллаштириш жамиятнинг сиёсий ва диний тасаввурларидан муносиб ўрин олган. Худолар олий даражада соғлом, гўзал, бақувват қилиб тасвирланганлиги боис афиналик жангчи уларнинг атлетик қиёфасига содиқлиги орқасида ўз саломатлиги, нафосати ва жисмоний камолотидан шукроналик тошган.

Худди шу даврда оқилона турмуш тарзи ҳақида «ўз-ўзингни бил», «ўзинг ҳақингда ўзинг ғамхўрлик қил» қабилидаги дастлабки концепциялар вужудга келади. «Ўзи ҳақида ўзи ғамхўрлик қилиш» концепциясига кўра, ҳар бир

инсонга хос фаолият усули бўлиши, шунга мувофиқ ўзи тўғрисида ўзи ғамхўрлик қилиши, ҳаётини ўзгартириши ва ўзини комиллаштириб бориши керак. Шундай қилиб, «уйғунлик туйғуси» қадимги юнонларда ҳаёт кўринишларини яратган, жисмонийлик эса уларнинг таркибий қисмини ташкил этган.

Шарқ фалсафасида инсоннинг жисмоний ва маънавий ҳолати ўртасидаги мутаносибликнинг сақланиши муҳим тамойил саналган. Буюк «Авесто»да баён қилинган «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» шарқона донишмандликнинг инсон турмуш тарзи моҳият-мазмунини тушуниш ҳамда уни ташкил этишда асосий тамойил бўлган. Бундай мутаносиблик нафақат шарқ, айти марказий осийлик мутафаккирлар томонидан ҳам баён қилинган. Қадимги туркий ёдгорлик ва ёдномаларда, халқ оғзаки ижодиёти намуналарида, тасаввуф фалсафаси, жадилизм қадриятлари тизимида турмуш тарзининг асл белгилари акс этганлиги ўз-ўзидан равшан. Ижтимоий тарихий тараққиёт туфайли, айтиқса, кейинги асрларда инсоният турмуш тарзи таркибига ниҳоятда ранг-баранг омил ва воситалар кириб келди, электр, телевидение, ҳозирги замон транспорти, компьютер техникаси, интернет каби ижтимоий техникавий кашфиётлар унинг табиатини ўзгартириб юборди. Шу билан бирга инсон фаолияти, ҳаётий муҳитининг табиий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида чуқур номутаносибликлар ҳам юзага келди.

Буларнинг оқибатида турмуш тарзи субъекти инсон онгида чуқур сифат ўзгаришлари юзага келди, авваллари у айти бир вақтнинг ўзида турли неъматларни ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам истеъмол қилувчи мавқеини эгаллаган бўлса, эндиликда унинг бу функцияларида кескин табақаланиш юз берди, бу унинг ҳаёт, соғломлик, турмуш тарзига нисбатан муносабатларида ҳам муайян ўзгаришларни келтириб чиқарди. Илмий техникавий инқилоб ютуқлари инсоннинг табиий ва ижтимоий ишлаб чиқариш муҳити соҳасидаги ўзгаришларга мослашиш имкониятларини қисқартирмади. Аксинча, ишлаб чиқариш нечоғлик автоматлаштирилиб, инсоннинг яшаш шароити ундан қанчалик баҳраманд бўла бормасин, унинг ҳаёти, яшаш шароити, айтиқса, организмнинг ҳимоя кучлари шунчалик зуриқишга гирифтор бўлди.

Ишлаб чиқаришнинг кескин ривожланиши оқибатида экологик муаммолар вужудга келди, табиатни сақлаб қолиш ташвишлари билан банд бўлган инсоннинг ўзи шу муҳитнинг бир бўлаги эканлигини, табиий шароит эса унинг турмуш тарзи кечадиған

макон бўлишини унута бошлади, эндиликда бутун куч-имкониятлар атроф-муҳитни сақлаб қолиш ва яхшилашга сафарбар этилди. Шундай қилиб, экологик хавфсизлик муаммоси миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланди.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридагилар шуни кўрсатадики, тарихий тараққиёт ва инсон яшашининг табиий шарт-шароитлари, фаолият турларининг ўзига хос қоришмасини ифодалайдиган категория сифатида “турмуш тарзи” тушунчаси таркиб топди.

Биз соғлом турмуш тарзи ва унинг жамиятдаги барқарорликни таъминлаш муаммосини ўрганишга киришар эканмиз, уни бу соҳада юзага келган умумиллий ва фалсафий концепцияларга боғланмасдан туриб тўғри тушуниш мумкин эмаслигини таъкидлашимиз лозим. Бинобарин, соғлом турмуш тарзи асосий тушунча – “турмуш тарзи”нинг сифат жиҳатдан конкрет ифодасидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2021
2. Неру.Ж . Открытие Индии. М.Тоштиздан. 1989 г. С 136-137.
3. Человек М. Тоштиздат 1991 с 20-22.
4. Асмус В.Ф Антирнов филология. М.Высшая школа.1999. с-118-119.